

## ПЕДАГОГИК ЖАРАЁНДА ТАРБИЯНИНГ МАЗМУНИ

**Акрамова Дилдора Эргашевна**

Низомий номидаги ТДПУ Мактабгача таълим педагогикаси ва психологияси  
кафедраси ўқитувчиси

**Рахимбергана Муножат Музаффар қизи**

Низомий номидаги ТДПУ Мактабгача таълим йўналиши талабаси

**Аннотация:** Тарбия маълум, аниқ мақсад ва ижтимоий-тарихий тажриба асосида шахсни ҳар томонлама камол топтириш, унинг онги, хулқ-атвори ва дунёқарашини таркиб топтириш жараёни бўлиб, ҳар қандай макон ва замондаги ижтимоий муносабатларнинг мазмунини аниқлаш ва уни ташкил этишнинг назарий ва амалий асоси бўлиб келган.

**Калит сўзлар:** Тарбия таълим тизими, педагог, педагогик фаолият, вазифалар, фаолият.

## THE CONTENT OF EDUCATION IN THE PEDAGOGICAL PROCESS

**Abstract:** Education is a process of all-round development of a person based on a known, clear goal and socio-historical experience, formation of his consciousness, behavior and worldview, determination of the content of social relations in any place and time and its organization. has been the theoretical and practical basis of education.

**Keywords:** educational system, pedagogue, pedagogical activity, tasks, activity.

Тарбия жараёни ўзида қуйидаги хусусиятларни намоён этади:

1. Тарбия маълум, аниқ мақсад ва ижтимоий-тарихий тажриба асосида шахсни ҳар томонлама камол топтириш, унинг онги, хулқ-атвори ва

дунёқарашини таркиб топтириш жараёни бўлиб, ҳар қандай макон ва замондаги ижтимоий муносабатларнинг мазмунини аниқлаш ва уни ташкил этишнинг назарий ва амалий асоси бўлиб келган.

2. Ёш авлод тарбияси турли макон ва замонда муайян мақсад асосида ташкил этилган. Ижтимоий тарбияни йўлга қўйиш жараёнида бир қатор вазифалар ҳал этилади. Тарбиянинг мақсад ва вазифалари ижтимоий тузумнинг моҳияти, тараққиёт даражаси, ижтимоий муносабатлар мазмуни, шунингдек жамият фуқароларининг дунёқарашини, интилишлари, орзу-ниятлари асосида белгиланади.

3. Тарбия жараёнининг хусусиятларини чуқур англаш ва уларни инобатга олган ҳолда тарбиявий ишларни ташкил этиш қўйилган мақсадга эришишга, шунингдек бу борадаги вазифаларни ижобий ҳал этишга имкон беради.

Маърифий муассасалар ва тарбия институтларида амалга ошириладиган замонавий тарбиянинг мазмуни қуйидаги асосий ғоялар билан тавсифланади:

1) тарбия мақсадларининг амалийлиги (тарбия шахс камолоти ва инсоният маданиятини ўзлаштириш воситаси эканлиги; тарбиянинг мазмуни – шахснинг сиёсий, ахлоқий, иқтисодий, экологик, ҳуқуқий, бадиий, жисмоний маданияти, нафосат, меҳнат ва оилавий муносабатлар маданияти эканлиги);

2) болалар ва катталарнинг биргаликдаги фаолияти (биргаликда миллий ва умуминсоний маданият намуналарини излаш; биргаликдаги маънавий-ахлоқий фаолият; ўқувчида шахсий нуқтаи назарни ҳосил қилиш);

3) шахснинг ўз ҳаётий йўлини ўзи белгилаши (ўз эътиқоди, қарашига мувофиқ ўз ҳаётий йўлини (тақдирини) ўзи белгилаш маданияти);

4) тарбиянинг шахсга йўналганлиги (тарбиявий ишлар марказида ривожланаётган шахс туриши; уни етук, баркамол инсонга айлантириш);

5) тарбиявий жараёндаги ихтиёрийлик (тарбия ўқувчиларнинг яхши нияти, эркинлиги ва хоҳишига қараб ташкил этилиши);

6) тарбиянинг жамоавийлиги (шахсиятпарастликнинг олди олинishi; ривожланаётган шахснинг жамоавий муносабатларга бардош бериши).

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)**

1. Жуманова Ф., Авазова С., Жобборова Г., Хуснетдинов У. Умумий педагогика асослари. Ўқув-услубий қўлланма. – Тошкент, “Ishonchli hamkor”, 2020. - 580 б.
2. Akramova, D. (2022). BO‘LAJAK PEDAGOG-PSIXOLOGLARNING MAKTABGACHA TA’LIM TIZIMIDAGI FAOLIYATI. Science and innovation, 1(B8), 322-326.
3. Akramova, D. (2022). Oliy ta’lim muassalari talabalarida pedagogik-psixologik moslashuvchanlikni mazmun mohiyati. Science and innovation, 1(B8), 2150-2153.
4. Ergashevna, A. D. (2023). TALABALARDA PEDAGOGIK-PSIXOLOGIK MOSLASHUVCHANLIK MEHANIZIMLARINI RIVOJLANTIRISH TEHNOLOGIYALARINI TAKOMILLASHTIRISH BUGUNGI MUOMMO SIFATIDA. PEDAGOGS jurnali, 26(1), 13-17.